

Янги йилнинг 3 шубоаси!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 300 (5291)
31 ДЕКАБРЬ 1983 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тьяни.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



ЗАФАРЛИ ЯКУНЛАР, ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАР

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Шаҳримиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулот assortментининг 40 процентдан ортиги янгиланди. Бу йил бирлашмада аёллар, эркеклар ва болалар трикотаж кийимлари 300 хилга яқини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотларнинг 25 процентдан ортиги конвейер усулида аттестациядан ўтди, давлат Сифат белгиси билан тайёрланади.

Бирлашманинг тўқув деҳи илгор тўқувчиси Машхура Қодирова Янги йилда икки беш йиллик планини ортиги билан адо этиш мажбуриятини олган. Тажрибали тўқувчи Яил бошидан қундалик план, топириқларини икки хисса қилиб бажариб келмоқда.

— Корхонамиз бу йил 142 миллион сўмликдан зиёд трикотаж кийимлар ишлаб чиқарди, — дейди тўқувчи М. Қодирова. — Тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг ҳар томонлама сифатли бўлишига иттифоқ коллективимизда қонун тусига кирган. Келаси йили давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимизни яна 50 процентга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу бизнинг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига муносиб совғамиз бўлади.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Тошкент булка-кондитер комбинати коллективи Янги йил дастурхонига аjoyиб совғалар тайёрлади. Шаҳар магазинлари, кафе ва тамадхоналарига 120 тоннадан ортиқ байрам тортлари, новот, хольва ва бошқа шарқ ширинликлари сотувга чиқарилди. Бухоро ва Озарбайжон патирлари ҳамда прынниклар одатдагидан уч баравар ортиқ тайёрланиб сотувга чиқарилди.

Комбинат қандолатчилари шаҳарда биринчи бўлиб мевали тортларни тайёрлашга ўтдилар ва «Фантазия», «Олтин куз» бисвит тортларини ҳамшаҳарларимизнинг байрам дастурхонига тортиқ этдилар. Ширинликларнинг лнги хиллари харидорларга манзур бўлмоқда.

МАИШИЙ ХИЗМАТ ШАҲАРЧАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкентнинг Собир Раҳимов районда очилган маиший хизмат шаҳарчаси аҳолини кўпгина юмушлардан ҳоли қилди. Бу ерда аҳолидан дастлаб

ки буюртмалар олинди. Шаҳарча лавильонларида тинкувчилик ва трикотаж ательеси, фотосалон, сартарошхона, мебель, телевизор ва радиоприйимник

ларни ремонт қиладиган салонлар, пойфазал устaxonаси жойлашган. Бу ерда мижозларга қарийб қирқ хил хизмат қўрсатилади. (ЎзТАГ).

• ЯНГИ ЙИЛ АНКЕТАСИ АЛЛО, МОСКВА!

Нихоят, янги, 1984 йил бўсағада турибди. Совет кишилари бу Янги йилни ҳақ ҳўжялигини барча соҳаларида ва социал-маданий қурилишда катта ютуқлар, яъло байрам кайфияти билан кутиб олмақдалар.

Мехнат ҳаётимиз нафасини, оддий иш қиллари ва байрамларини мамлакатимиз асосий соғи — Кремль курантига тўғрилаб оламиз. Бир неча соатдан кейин унинг жарангдор бонги Советлар мамлакатининг пойтахтига Янги йил қилиб келганлигидан дарак беради. Янги йил арафасида биз Москвага қўнғирок қилиб, Янги йил одди бир неча интервьюсини олдик. Мана улар:

АНКЕТА САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР:



Партия чақириғидан илҳомланиб

В. Ф. ПРОМИСЛОВ,
Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Москваликлар, барча совет кишилари кайи бугунги кунда КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг нуқти тевстида белгилаб берилган улкан вазифалар таасуроти билан ишалоқдалар.

армуғонлар қабул қилишди. Минглаб оидла байрам арафасида янги шинам квартираларга қўчиб кирди. Москва метрополитенининг янги линияси очилди, техниканинг сўнги ютуғи билан янги хилда «Москва» университети, ўнлаб соғлиқни сақлаш муассасалари, маиший хизмат, умумий овқатлануш корхоналари ишга тушди. Бу йил Ўзбекистон пойтахтининг кўпчи билан аталаётган Тошкент кўчаси ҳам янги бинолар билан фўнундор бўлди. Пойтахтининг Ризанский тахтининг «Тошкент» кинотеатрида москваликлар «Ўзбек фильм» киностудияси пратган кўпгина фильмлари кўришга. Ўзбекистон маданияти усталари билан учрашишга муяссар бўлдилар.

Утди бораётган йил Москва ва Тошкент ўртасида давом этиб келаётган анъанавий, маданий алоқаларни янада кенгайтириш йили бўлди. Биз Тошкентнинг коллективлари санъати билан қизиқиш таишидик. Ўз навбатида СССР Иттифоқининг Кичик Бадий Академик театри, Большой театр ва бошқа кўпгина машҳур коллективларимиз Тошкентда маҳоратини намойиш этишди.

Ҳеч шубҳа йўқки, кириб келаётган Янги йилда шаҳарларимиз меҳнатқашларни ўртасидаги илмий, иттиқодий ва маданий алоқалар янада ранг-баранг бўлиб боради. Барча москваликлар номида Тошкентдаги қардошларимизга кўч миллатли давлатимизнинг фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик фаолиятида янги, катта муваффақиятлар тилайман.

Бир корхона янгилликлари

ГЕОФИЗИКЛАР УЧУН

Бундай кабелни ҳали мамлакатимизда ишлаб чиқаришган эмас. У зич қопланган нефть қудуқларини қазийш учун жуда ҳам зарур. «Тошкенткабель» заводининг иссиққа бардош берувчи кабеллар конструкторлик бюроси мутахассислари диаметри боркўйи 4 миллиметрдан кўра кўра бўлган жуда ҳам итчам геофизик кабелни яратиш шарафига муяссар бўлдилар. Краснодар ўлкаси ва Қозоғистонда парафинга бой бўлган нефть қазиб олинадиган қонларда бу кабел жуда ҳам қўл келади. Янги кабел Ленинграддаги «Пластоплимер» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланадиган вторпласт материал билан изоляция қилинмоқда.

Бундан ташқари геофизик қудуқларда олиб бориладиган комплекс тадқиқотлар учун кабел-зондини ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

олишди. Янги кабелдаги металл тола нозик шисали тола билан алмаштирилган. Бу тола сизгалик беккаюл ўтказди. Айниқса дала ишлари олиб борилаётган пайтда унинг аҳамияти чексиздир. У металл кабелларга нисбатан бир мунча енгил. Янги маҳсулотдан бир километр юзасидан 3 мннг сўм пуян тежаб қолинмоқда.

ШИШАЛИ КАБЕЛЬ

Тюмень геолог разведкачилари тошкентликлардан ана шундай кабель қабул қилиб

ШАРАФЛИ БУЮРТМА


Калинин ва Запорожец атом электр станциялари ишга туширишга адо этаётган Ф. Бобилев ва П. Чесноков бошлиқ бригадалар бу ишни яхши бажаришди. Ана шу бригадалардаги маалаки ишчилардан С. Сульников, А. Александров, Г. Аюпова аралаш касбларни маҳорат билан эгаллашган.

натдилар. Смена топшириқларини 140 процент ва ундан ошириб адо этаётган Ф. Бобилев ва П. Чесноков бошлиқ бригадалар бу ишни яхши бажаришди. Ана шу бригадалардаги маалаки ишчилардан С. Сульников, А. Александров, Г. Аюпова аралаш касбларни маҳорат билан эгаллашган.

МАРОҚЛИ САФАР

Янги йил арафасида Волгоград, Свердловск, Омск ва оиди Екутинстондан шахримизга саҳатта келган 800 дан ортиқ мақтаб ўқувчиларининг байрам сафари бугун ниҳоясига етди.

Саҳатчи-ўқувчилар ҳафта давомида республикамиз пойтахтининг диққатга сазовор жойларини томошва қилдилар, музей ва театрларда бўлдилар. Айниқса, В. И. Ленин номидаги болалар оромгоҳида сайр, республика қўғирчоқ театрида Янги йил арчаси томошаларида қатнашув ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.



I. ШУ ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА

Яна бир неча соатдан сўнг Москва Қизил майдондаги соат курантлари ўн икки марта бонг уради ва мамлакатимиз ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилга қадам қўяди. Хайрлашаётган йилимиз бугун ҳақиқат учун меҳнатда зафарларга эришилган, экономикамиз янада мустақамланган, аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошганлиги билан диққатга сазовордир. Республикамиз кўш орденли пойтахтининг иттиқодий қудрати янада ошди. Шу Янги йил оқшомида меҳнат қиладиган кишилар эса хайрлашаётган йил эстафетасини қабул қилиб олиб, уни бўлғуси йилга топирадилар. Газетамиз саҳифаларида бугун ёритилаётган фотопортретлар шаҳардаги 61 дан то 69 гача бўлган хизмат бўлималари кишиларига бағишланади.

Улар орасида пойтахт локомотив депосининг машинисти А. Сатторов ҳам бор. Ҳозир у «Москва—Тошкент» маршрути бўйича рейсин бажармоқда.

В. Тян командирлик, Ш. Мақсудов учувчилик, Е. Евстифеев борт инженерлиги, Ю. Ермеев штурманлик қилаётган экипаж состави бугун қудратли «ИЛ—86» аэробусини юлдузлар тўла осмону фалакка олиб чиқаришди.

«Ташметрострой» трестининг Г. Люстер бош бўлган проходкачилар бригадаси коллективи Янги йилни барвақт кутиб оиди.

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг хизматчиси, Социалистик Меҳнат Қҳрамон В. Назирова ҳам фазрли вахтада турибди. Т. Каримов фотолари.



Тошкентликлар жасорати

К. П. ДУДИН,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари

Республика хирмонига 6 миллион тоннага яқин Ўзбекистон паттаси тўкинди. «Оқ олтин» ҳосили учун қизғин кураш кунлари ортда қолди. Мурраккаб об-ҳаво шароитида деҳқонлар зиммаларидаги меҳнатқашлари республика пойтахти меҳнатқашларининг ёрдами ва мададидан мунтазам сезиб турдилар. Минглаб тошкентликлар ўзларининг атакларидики бурларини бажариб, «оқ олтин» йилгитериминда қатнашдилар.

нолми педагогика, автомобиль йўллари институтлари, Тошкент Давлат университетини коллективлари ибрат кўрсатишди. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областлари далаларида Ўзбекистон пойтахти студентлари 152 мннг тоннадан ортиқ «оқ олтин» йилгитеримини беришди. Бу рақам ортда оғиллик, ўз бурчинини тушуниш каби фазилатларини намойиш этган ёшларнинг катта меҳнати ётибди.

Бугунги кунда республика хирмонига салмоқли ҳисса қўшган шаҳардаги олий ва ўрта махсул ўқув юрталари, ҳўнар-техника билим юрталари, кўпгина корхоналар ва ташкилотлар коллективлари юксак мақтовга сазовор бўлдилар. Студент ва ўқувчилар ишчи ва хизматчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатини кўнги қўлаб-қувватлаб, патта териминда анъанавий қашарда фаол иштирок этдилар. Бу билан улар «ўрок ва Бола» дўстлиги солиномасига янги зарарак битдилар.

127, 63, 174, 206-ҳўнар-техника билим юрталари, 2-индустриал педагогика, геолог-разведка техникуми талабалари, абразва буюмлар комбинати, ишчи ва хизматчилари, «Среднепеестрой» трести қурувчилари яхши обрў қозондилар. Ишлоқ меҳнатқашлари билан бир сафда «оқ олтин» йилгитеримини фидокорлик кўрсатган, даладаги патта ҳосилининг сўнги миқдорингача йилгитеримини олишишга муносиб ҳисса қўшган ана юзлаб коллективларини тилга олиш мўмкин.

Ҳар вақтдагидек ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тарих факультети, Тошкент Давлат медицина институтини студентлари байрамни патта йилгитеримини катта ютуқлар билан нишонлаш бўйича Мурожаат билан чиқдилар. Бу ташаббус ҳам кенг қўлаб-қувватланди, ҳосилин йилгитеримини олиш сўрвати анча тезлашди.

Ленин комсомолни туртилган кўч арафасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тарих факультети, Тошкент Давлат медицина институтини студентлари байрамни патта йилгитеримини катта ютуқлар билан нишонлаш бўйича Мурожаат билан чиқдилар. Бу ташаббус ҳам кенг қўлаб-қувватланди, ҳосилин йилгитеримини олиш сўрвати анча тезлашди.

1983 йилдаги патта йилгитеримини яқин ясаб, шунини ишон билан айтиш мўмкинки, у шаҳар ва қишлоқнинг кундан кунга мустақамланган бораётган дўстлиги намойиши бўлди. Тошкент вакиллари далаларида муносиб меҳнат қилиб, ўзларини чинакам атакларидикиларини намойиш этишди. Паттазор Ўзбекистон пойтахтининг ўн минглаб студентлари, ўқувчилари ва ёшлари учун чинакам жасорат макдони бўлди. Меҳнат семестри буларнинг характерини янада тоблади, йилгит ва қизларимиз Ватанга садоқатли, мард ва чидамли энанликларини кўрсатди.

«Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшомини» газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главтшпассавотранс» бошқармаси томонидан махсул ташкил этилган матбуот маркази шаҳарликларини Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областлари паттазорларидаги жасоратини ёрқин ва ишонлири қилиб кўрсатиб, катта ва фойдали ишчи амалга ошрди. Газета саҳифаларидан, радиодан кишилар олий ўқув юрталари, техникумлар, ҳўнар-техника билим юрталари, саноят корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасалар коллективларининг олижаноб ишлари, тошкентликларнинг колхозлар ва совхозларга кўрсатаётган оталиқ ёрдамини билишди.

«Главтшпассавотранс», шаҳар, савдо, ички ишлар бошқармаларининг кўпчилиги кишилик коллективлари жуда зарур, олжаноб ва фойдали ишларини бажаришди. Албатта, бу ерда олий ўқув юрталари, техникумлар, ҳўнар-техника билим юрталарининг, Ўзбекистоннинг катта патта хирмони учун курашда иштирок этган барча ташкилотларнинг патта ва комсомол ташкилотлари ташкилотчилиги қилишди.

Шундай қилиб, 1983 йил Ўзбекистон деҳқонлари учун катта меҳнат ғалабаси билан тугади. Бунини республика хирмонига муносиб ҳисса қўшган республика пойтахти меҳнатқашлари ҳам алоҳида қувонч билан ҳис этишди. Улар бундан бундан ҳам ўрок ва Бола иттифоқининг тинмай мустақамлаб, қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш учун мўмкин бўлган ҳамма





СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙМИЗ

ЭНДИЛИКДА ЭНГ МУҲИМИ — ЭРИШИЛГАН СУРЪАТНИ, ИШДАГИ УМУМИЙ ИЖОБИЯ КАФИЯТНИ ЙУҚОТМАСЛИК... КЕРАК. Ю. В. АНДРОПОВ.

АЛЛО, МОСКВА



Ҳамиша халқ билан бирга

Г. М. МАРКОВ, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари.

1983 йил ўтмиш бўлиб қолапти. У совет кишиларнинг тинчлик ва тараққиёт йўлида, буюк Советлар мамлакатининг янада юксалиши йўлидаги яратувчилик меҳнати билан тўла бўлди. Бу катта ишнинг якуни, келгусидаги улкан истиқбол КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг нутқи текстида таъкидлаб ўтилган.

Муаммолар, биринчи навбатда ер юзиде тинчликни сақлаш масаласи ҳаёқонлан-тирмай қолмайд. Шу борда Тошкентнинг роли катта. Яқинда бу ерда Осиё ва Африка ёзувчилари ассоциациясининг VII конференцияси бўлиб ўтди. Ана шу ерда, Тошкент ерида 25 йил бурун икки қитъа ёзувчилар биродарлигининг прогрессив ҳаракати ташкилий тус олди.

МОСКВАЛИК АРТИСТЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ



Янги программани кўрсатаман, деб умид қиламан. Дарвоқе, биз илгарироқ учрашамиз. Биринчи январда Цветной Бульвардаги циркдан аяна бўлиб қолган оммавий томоша кўрсатилади. Ҳамиша бўлганидек, менинг шеригим Игорь Кио бўлади.

Алла ПУГАЧЕВА



Ундан сўнг эса машҳур кичини В. Полунининг томошаларини кўришди. Умуман, мен ва шерикларим «Огонёк»да ҳаммадан кўп меҳнат қиламиз. Кўрсатув муаллифлари биз учун галати лифтлар, сеҳрли эшиклар ҳамда хавфли одам — породиция Владимир Винокурни тайёрлаб қўйишган. Шундай қилиб Янги йил оқшомида хушёр туришимиз керак. Лекин томошабинлар учун жуда қувноқ ва қизиқарли томоша кўрсатилади, деб умид қиламан. «Огонёк»на Тенис Мясин, Михаил Державин, Николай Озеров, «Апельсин», «Сябри» ансамблларининг артистлари ва бошқа машҳур ижрочилар таклиф этилгандан кейин бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да.

Николай СЛИЩЕНКО

Н. МАННОПОВ, В. П. Чкалов номидagi аянация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони: — Кузатиб қолайтган Янгимиз коллективизмиз учун самарали бўлди. Беш йилликнинг уч йилига якуни ясаганимизда, шу даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 23,5 процент, меҳнат унумдорлиги эса 23 процент ошгани маълум бўлди. Асосий буюмларга меҳнат сарфи 25,6 процент



БАЙРАМ РЕПОРТАЖИ Янги уй қувончлари

Янги уйга қўчиб кирганингиздаги қувончингиз эсингиздаман! Бундан ортиқ бахт бўлмас керак. Янги йил арафасида юзлаб тошкентлик оналар ача шундай бахтга муяссар бўлдилар. Байрам шодибанлари уй тўйларига уланиб кетди. Келинг, яхшиси улардан бирининг қувончига шерик бўлайлик.

...Тансиқбоев масивини, Юнусов кўчаси, 1-уйнинг 33 ва 34-квартираси. Ишчи Аҳмедовлар оиласи. Квартира икки номерли бўлганига ажабланиманг. Оиласининг онахон — Шарофат ая Алимова — «Қаҳрамон она». Уи болаини воғга етказиб, тарбиялаган. Ҳаммаси иш-лашади, ўқишади. Бундан ташқари уларнинг ҳаммаси спортчи-акробатлар. Бу оилани ҳақли равишда спортчилар оиласи, дейиш мумкин.

Онда аъзоларининг қувончлари чексиз. Бугун бу ерда қўш байрам. Ҳали буюқ ҳидлари аяқиб турган етти хонали қўш квартирада Янги йилни қаршилаштипти, уй тўйини ўтказиштипти. Шарофат ая елиб-югуриб дастурхон тўзашга «қомандирлик» қилипти. Уй соҳибни Эргаш ака ками-кўстни муҳайё этиш билан банд. Болалар чуғурлашиб «Урмон маликаси»га парлоз беришяпти. Оиланинг катта қизлари Мохира, Заҳро, Раъно ва Зухра-лар эса елиб-югурлашиб хизматда. Юзларда табассум, қувонч... Ҳасан-Хусанлар эса Янги йилни қайси мамлакатда қандай кўтиб олишлари хусусида баҳслашишяпти. Тонр билан Тоҳир эса телевизорда «Янги йил базми»ни кўришга ошмақда...

Елиб-югуриб юрган «Қаҳрамон она» қувончини аширолмайдди. Т. ТОШЕВ. СУРАТДА: Аҳмедовлар оиласи Янги уйда — Янги йил тараддуудда. М. Нуриддинов фотоси.

Янги йил

Пахта ҳақида сўз

Пахта. Мамлакатнинг «оқ олтин». Халқимиз унинг севиб олганига ибтидо қилгани бежиз эмас. У республиканинг ҳар бир аҳолисига — хоҳ у деҳқон, ишчи бўлсин, хоҳ студент-йувчи — ёки олим бўлсин, бирдек қадри ва суюқликлар. Ҳар биримиз унинг етиштириш қанчалар мураккаблигини, чаноқлардан миллионлаб тонналар ҳосил қилинишини яхши биламиз. Бир чаноқ пахта енгилдек кўрина-



ди. Лекин унга қанчалар пешона тери тўкилмаган дейсиз! Ўзани иқлолгидан парварлаш, «оқ олтин»ни етиштиришга, пахтакорнинг қанчадан-қанча қалб-қўри, кўз нури тўкилмади! Ҳар бир шаҳарлик «оқ олтин» ингим-терим учун шиддатли кураш олиб борилган давлари ёдига сақлайди. Маълумки, республикамиз партия ва ҳукуматини бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитини ҳисобга олиб, пахтакор-

ларга ёрдам беришга даъват этганида бунга тошкентликлар биринчилар қаторида «Лаббай», деб жавоб бердилар. Пахта терими масъули кўплаб пешоқамлар номини элга ёйди. Тошкентликлар бирон дақиқа ҳам меҳнатгайрат-шижоятини бўшаштирмадилар: она-Ватан хирмонига кун сайин кўпроқ пахта тўкишга интилдилар.

Истеъмол буюмларига — кенг йўл

ЯХШИ ТУХФА БИЛАН

Шаҳримиздаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилган кўпгина корхоналар қатори Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси коллективи ҳам халқимиз ҳаётидаги ҳар бир байрам, ҳар бир қувончли кунини яхши совғалар билан кўтиб олишни одат қилган. Жумладан, бу йил фабрикада Тошкентнинг 2000 йиллигига атаб бир неча хил ўйинчоқлар тайёрланди. Шулардан кичиниктойларга гоёт мансур бўлгани пластмассадан тайёрланган «Шум бола» кўгирчоғи бўлди.

Қулайликлар адреси: ҚОРБОБО... КЕРАКМИ?

Шаҳримизнинг кичик фарзанди Борий Шелевнинг хонадонида эшик сирли дуқилла-тилганда ота-оналар Янги йилнинг бу сирини дарров айтиб қўйишмади. Эшик очилиб осто-нада Қорбобо ва Қорқиз пайдо бўлишганда олти ёшли боланинг қувончи беҳад бўлди.

Урмон «МАЛИКА» СИ КЕЛДИ

Урмон «маликаси» — арча савдоси Янги йилнинг ўзига хос фойдидир. Қор босган ўлкаларнинг набототи жанубдаги ўлкага қаврдан олиб келинаётми? — Россия Федерациясининг Киров областидан, — деб жавоб берди «Узгавтоплетстройторг» бошлиғи ўринбосари Р. М. Музаффаров. — Мана йиғирма йилдан буён ташкилотимиз вакиллари ана шу шимол ўлкасидан Ўзбекистонга ям-яшил, гўзал арча олиб келишмоқда. У 20 та урмон сановати хўжалигида тайёрланмоқда. Бу йилги Янги йил байрамига 285 минг арча олиб келинди. Бу утган йилгидан бир мунча кўпдир. Тошкентликларга 130 мингга яқин арча аталган. Шаҳарда арча билан савдо қилдиган 40 га яқин пайвон ишлаб турибди.

Қулайликлар адреси: ҚОРБОБО... КЕРАКМИ?

ри бўйлаб 30 декабрдан 5 январгача мурғак граждандарни кўплаш учун ўнта Қорбобо ва ўнта Қорқизини шай қилди. Улар совға билан бирга қувноқ кўшиқлар, эртаклар, аjoyиб топишмоқлар айтиб беришди. Энг катта кутлов Шомоҳаммадовлар хонадонида ўтказилган бўлди. Бу ерда ўнта болани кутлаш учун Янги йил меҳмонларини таклиф этишган.

2. ШУ ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА

● 02. Киров район ички ишлар бўлимининг милиция майори А. Рустамов ва У. Носиров бошчилигидаги оператив гурппа осийиштални побонлигида туради.

2. ШУ ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА

● 01. Шаҳар ёнгидадан сақлаш бошқармаси марказий пунктнинг Н. Гужина бошчилигидаги сменаси мана учинчи йилдирки ушбу байрамни жанговар постда нишонлайди. СУРАТДА: диспетчер Н. Дубина.

● 04. «Ташгаз» ходимлари — слесарлар М. Мирҳидояров, М. Одинаев, смена катта инженер Н. Муҳитдинов ва ҳайдовчи А. Чаряковлар масъулиятли набоatchилида туришади. Т. Каримов фотолари.

1983 йил — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Юксак марралар сари

Қурилишда ишлаётганимга мана қарийб 36 йилдан ошди. Шу йиллар мобайнида қўлимиздан қанчадан-қанча бинолар чиқди. Агар бошқача айтганда, мен ва ҳамкасбларим кўрган 300 тадан ошиб кетган бўлса ажаб эмас.

Демак, шунча хонадонга қувонч бахш этдик. Чунки қўлга янги квартира қалити ни олган ҳар бир кишининг қувончини тасавуур қилиш қийин эмас... Йиллар ўтаверади... Уларнинг ҳар бири ўзига хос қувончларга тўла бўлади. Бу йил ҳам баракали йил бўлди. Шаҳримиз харитасида янги кварталлар, массивлар пайдо бўлди. Аjoyиб архитек-

тура кўринишига эга бўлган ноёб ишоотлар бунёд этилди. Юзлаб тошкентлик оналар замонавий уйларга — кенг, ёруқ квартираларга қўчиб ўтидилар. Бизнинг бригадамиз ҳам Янги йил арафасида Сапёрная — Баранов кўчаларида яна бир уйни ҳамшаҳарларимизга тухфа этди. 1983 йил бригадамиз, шахсан мен учун жуда қувончли йил бўлди. Меҳнатдаги муваффақиятларим, бинокорлик ишлари самардорлигини оширишдаги шахсий ҳиссам учун СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлдим. Бу юксак мукофотни фақат менинг меҳнатимга эмас, бутун бригада аъзолари меҳнати билан берилган юксак баҳо деб биламан. Бу бизни Янги йилда — янги марралар сари ундайди. Биз шундай улуг

мамлакат — Советлар дийрида инсон меҳнати шунчалик қадрланаётганидан беҳад миннатдоримиз. Биз она-Ватан учун, унинг мудофиа қудратини мустаҳкамлаш учун қўлдан келган ҳамма иш-ни қилаверамиз. Янги йилнингиз муборак, азиз дўстлар! Раҳим ЗИЕВ, «Главташкентгстроб»нинг 153-трести 39-қурилиш бошқармаси бригадир, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, СССР Давлат мукофоти лауреати.



3. Ш У ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА


● 09. Справна-ахборот цехининг Р. Ерофеева бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси навбатчиликни қабул қилиб олади.

● 03. Унинг подстанциянинг врач Ф. Эргашева, фельдшерлар Т. Луговцова ва С. Прохоровдан иборат «тез ёрдам» экипажи чақирниққа тайёр турибди.

● Медицина фанлари кандидати, хирург Р. Турдиев ёрдам кўрсата олади.

● Шаҳар ёртиши идораси марказия диспетчерлик хизматининг И. Рабчиков бошчилигидаги сменаси хизматда бўлади.

Т. Керимов фотолари.



Биласизми?

ҚОРБОБО-КАДРДОНИМИЗ

Эски йил билан хайрлашиб, Янги йилни шодона кутиб олиш ҳар бир оилга, ҳар бир кишига завқ-шавқ, қувонч бағишлайди. Янги йил деганда бахтиёр кўм-кўн арча, оппоқ соқоли Қорбобо, гўзалликда сўлим Қорқиз кўз ўнгинида намоён бўлади.

Россияда янги йилни 1 январдан байрам қилиш Пётр I томонидан 1699 йилда белгиланган. У Янги йилни кутиб олиш, уйларни яшил ўсимликлар билан безаш, тунда гул-гуллар ёқиш, ўйин-кулги ўтказиш ҳақида фармон берган.

Бизга кадрдон Қорбобонинг чет мамлакатларда «ука»лари ҳам бор. Англия ва АҚШда — Санта-Клаус, Италияда — Бабо-Натале, Колумбияда Папа Паскауле ва бошқалар.

Уй-жойимизни саранжом-саришта қилиш, байрам дастурхонини тузаш, арча безатиш, яқин кишиларга совга-саломлар қилиш яқин одатга айланган.

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ОДАТЛАР

Ғалати удумлар

Янги йил байрамини дунё мамлакатларида турли вақтларда, ниҳоятда хилма-хил тарзда, аммо ҳамма ерда ҳам дилхушлик, хурсандчилик билан кутмади. Шу кунни тунда одамлар бир-бирларига бахт-саодат, қувонч, соғлиқ, меҳнатда ва ҳаётда муваффақиятлар ёр бўлишини тилашади. Қуйида дунёдаги бир неча мамлакатларда Янги йилни қандай нишонлаш ҳақида қисқача маълумотлар берамиз.

● Италия аҳолисининг ажойиб бир одати бор. Янги йил кечаси одамлар ўз уйидан эскирган, яроқсиз уй жиҳозларини ҳовли ёни кўчага улоқтиришади.

● Руминияда Янги йил кичирин билан ҳамма ерда қадимий қолдиқлар маросим қилиниб кетган. Қўшиқ айтган кишилар қўлларидан даҳлат новдаларига ўратилган сунгли гуллар, чамбарак ва кўтирчоқлар ушлаб туришади. Уларда кайра (эчки ниҳобиди) деб аталувчи Янги йил байрам маросими кенг тарқалган.

● Чехословакия, айниқса гарбий Словакия областида Янги йил дастурхонини ҳар доим зогара балиқ бегаб туради. Байрам олди кунлари кўча-кўйда зогара балиқ сотиш қизиқиб юборилади.

● Голландия аҳолисида Янги йил дастурхонига майзали сомоса тортиш расми бор. Уй бекалари бундай сомосани йилда бир марта пиширишади.

● Инглизлар Янги йилни тантан билан нишонлашмайди. Бирон бирон Янги йил оқишомига таклиф ҳам қилмайди. Бироқ, ёзилмаган қондалар ҳам бори, Янги йил оқишомиди ҳар киши ҳеч бир тақдирга истаган хонадонига, ҳатто бегона хонадонларга ҳам кириб, Янги йилни нишонлайверади. Мезбонлар ҳам бундай кишиларни самимий кутиб олишади.

● Австрия мамлакатларида Янги йил кутиб одати қуйидагича: бир ерда мўри тозаловчи қадим-қадимдан омад ҳамма эсон-омонлик рамзи саналган. Нақл қилишларича, қадимда агар Янги йил кутулдиган кунни кўчада мўри тозаловчи кўриб қолса, одамлар унинг кетилидан чопиб, кийимлари-ю, юз-қўларини унга суртиб, қора кўз юртиришган. Шундай қилган киши гўё Янги йилда қайтиб бўлармиш.

● Вьетнамда вьетнамликлар қиши қишлоқ хўжалик ишлари тугаб, дам олиш бошлаганда — эрта кўкмада Янги йил байрамини нишонлайдилар. Аяниқ, ёшлар байрам кунлари дариндош-уруғларининг ва ота-боболарининг қабрини зиёрат қилишади.

Б. АМИНОВ,
Т. ТОШБОВА,
тарих фанлари кандидатлари этнографлар.



БУГУН

улуг шодона — Янги йил байрамини кичириб келиши арафасида пойтахтимиз туғруқхоналарда юзга яқин янги инсон дунёга келди. Уларнинг биринчи кўнгирикдек йиғлаш овози оналарни беҳад мамнун этди.

Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасида бу йил оналар ва бола ларга кўрсатилаётган меҳрибонликлар тўғрисида куйидагиларни гапириб туришди:

1983 йилда шаҳримизда 40 мингга яқин ўғил ва қиз туғилди. Уларнинг юздан зиёд нафари эгизаклардир. Болаларнинг соғлом ўсиши учун барча фамхўрлик кўрсатилади. Карл Маркс кўчасида мамлакатимиз бўйича иккинчи ҳисобланган консултация-диагностика поликлиникаси очилди. 3-шифхона қўшиққа эса иттибослаштирилган янги бўлим иш бошлади. Шаҳар медицина тез ёрдам қўшиқда ташкил этилган янги иттибослаштирилган бригада янги туғилган чақалоқларга табиий ёрдам кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 1966 йил эъланласида қаттиқ шикастланган Роза Люксембург номи билан шифхонаси Юнусобод массивида қайтадан бунёд этилиб, ишга туширилди. У 210 ўринлидир.

Акмал Икромов райониди Зиё Санд кўчасида фойдаланишга топширилган 500 ўринли катталар ва болалар шифхонаси ҳам ани муудо бўлди. У ана шу районда туғилиш кўпайиб бораётганлигини инобатга олиб, пландан ташқари бунёд этилди.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛА

ОҚШОМИДА

• ЙИЛ ЗАРВАРАҚЛАРИ КАЛЕНДАРЛАР ҲАҚИДА

Аввало календарь сўзининг маъносига тўхталайлик. Календарь сўзи лотинча бўлиб, «қарз китоби» деган маънони билдиради. Қадимги Римда қарзнинг маълум миқдорини ҳар ойнинг биринчи кунда тўлаш расм-одат бўлган ва бунга календарь деб аташган.

Рим ҳукмдори Юлий Цезарь эрамиздан 46 йил олгари қадимги Рим календарини қонулаштирган. Бу календарь унинг шарафига Юлий йил сановига деб юритилди. Рим папаси Григорий XIII 1582 йили бу календарини ислоҳ қилди ва 5 октябрни 15 октябрга қўшиб қўйди. Лекин Юлий календарини сановига қараганда 11 минуту, 14 секунд узуни бўлган учун 400 йил давомиди тафовут яна орта бориб, бу фарқ 13 кунга етди.

Дохиймиз Владимир Ильич Ленин имзои билан 1918 йилнинг 26 январиди қабул қилинган Григорий йил сановига ману шу фарқ ҳисобга олинган. Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси эски ҳисоб билан 25 октябрда ғалаба қозонган. Бу сана янги ҳисобда 7 ноябрга тўғри келади ва биз Улуғ Октябрь Социалистик революцияси байрамини 25 октябрда эмас, балки 7 ноябрда нишонлаймиз.

Биз билган Юлий ва Григорий календарларидан ташқари, яна Умар Хайём календарини бор. 1079 йили Умар Хайём ўз календарини билимдон математик ва астрономлар билан биргаликда туздди. Бу календарь бўлини 8 қабаса йили 32 йилда эмас, 33 йилда тақрирланади, ҳар йили 19 секунд фарқ қилиб, фақат 4 минг 500 йилда бир марта Григорий календарини эса 3 минг 300 йилда бир кеча-кундуз «хато» қилди. Умар Хайём календарини Григорий календарига нисбатан анча аниқ тузилган.

Умуман айтганда, турли даврларда уч хил календарь яратилган. Булар қуёш қаранатига асосан — Қуёш, Ой ҳаракатига асосланган — Ой ва ниҳоят Ой-Қуёш календарларидир. Ҳозирги кунда барча давлатлар Қуёш календарини фойдаланади. Ой календарини шу кунларгача Шарқ мамлакатларида сақлаиб қолган.

Ҳозирда Халқаро календарь лойиҳаси ҳам бор. Унинг асосий принципи куйидагилардан иборат: йил кунига ва 4 кварталга бўлинади, ярим йил 182 кунни ташкил этади, квартал эса 91 кундан иборат бўлади. Ҳар бир квартал 3 ойдан олдинги биринчи ой 31 кун, қолган икки ой 30 кун. Йилнинг биринчи кунини доим яқшалбага тўғри келади.

• Шингил ҳикоялар ИККИ, МАСТ

Тун алламаҳал эди. Кўчада янги маст қарама-қарши келиб, дийдор кўришиди. Бир-бирларини умрлариди кўришмаган бўлса ҳам, кўчоқлашиб олишди:

— Салом-э, қаёққа кетяпмиз? — деди хуш-ёрроқ маст.

— Менга... менга кўп ичириб юборибсанку, кўп... ошман, — деди тил гудурлаб иккинчи маст. Унинг нафси яна тақалаб отди шеккили, хушёр мастнинг елкасига осилиб иттико қилди: — Яна озгина отсақ бўларди, ошман... Енингдаги бутилида борми!...

— Йўқ, — деди хушёрроқ маст чўнтагини сийпаб, кейин яна хушёр тортиди: — Боя, охиригисини ичиб, бутиликани анҳорга улоқтирдикку...

— Бекор улоқтирсан, — деди иккинчи маст бошини солиниб, — бутиликани сураддик, хидлардик... — Кейин

унинг хуши сеп ўзига келди. — Менга қара, ўзи қаерда турибмиз! — Билмадим, — деди хушёрроқ маст атрофга мўлтйраб, — шаҳардан гашқарига чиқиб кетганга ўшаймиз, Бу атрофда ҳеч асфальт йўл кўринмайди-ку.

— Аблахсан! — деди иккинчи маст жазаваси тугиб, — Ҳозир ўқинми топ... Ичирдингми, маст қилиб кўйдингми, энди маст. Унинг нафси яна тақалаб отди бер, — унинг ёқасига ёпишиб, сийта бошлади.

— Тўхта, тўхта, — деди хушёрроқ маст ялиниб, — менга суян, Ҳозир ўқинми топамиз... Топамиз...

Икки маст бир-бири билан ўпишиб, суянишиб, илондек тўлганлиб олган бўлишди.

Ҳаёт ўзи шунақа. Ит итн қоронғида ҳидлашиб топилмади, бир-бирларига эргашиб кетишаверади, бир-бирларини кўлтиқлаб кетишаверади.

МАШЪАЛ АТРОФИДА

Машъала нур тараб, Базм авжида эди. Шу чарақлаб, порлаб ёнар эди:

— Зиё тарайман, зулматни нурга чўлгайман, келинг жондорлар, атрофимда базм қилинг, — дер эди кулиб порлоқ машъал.

Тунги ёруғлик ошқилари — парвоналар машъал атрофиди гир-гир айланишар: «бу қандай тўзаллик!» деб рақс тушишарди.

Машъал атрофиди яна майда чивиллар ҳавода сўзиб ўйнашарди.

Машъал атрофиди базм ҳам, қурбон берилар ҳам давом этарди.

Ҳаёт ўзини шундай эди: машъал яқинлиги учун нур сочар, нафс балоси эса офат халтасини очар эди.

БАХИЛНИНГ ЖАЗОСИ

Тонг отишини, сўбхи содини яқин ияят билан кутди одамлар. Офтобнинг олтин соч тараб уфидан кўтарилганини кўрганда: «Жамо-леиндан айланай, Қуёш!» дейди ҳамма.

Лекин ҳеч бир одам, ҳеч бир жон қуёшга тик қараб туролмайди, кичирик қоқмай, кўз узмай тикилмайди. Қуёшга қараб шер тик қарайди. Бунинг қодир табият яратган сабаби бор.

Мана, Бахил одам ҳам Қуёш чиққанда ўйғонди. Ҳаммаёқ тиник, нурафшон, мунаввар, фусункор эди. Дили қора, бахил одамнинг бундан дарди-дунёси қоронги бўлиб кетди. Оламга содини яқин бағишлаётган Қуёшнинг кўрди-ю, иккинчи кўлини баланд кўтариб дод солди:

— Эҳ Қуёш, дунёга нега бунчалар кўп нур сочсан, нега бунчалар сахиллик қилсан!!

Бахил шундай нидо билан бақириб, Қуёшга қараб ниятда тиникди. Саховатли Қуёш эса, шу пайт унинг кўзини эритиб, кўр қилиб қўйди...

...Ер юзиди фақат шер Қуёшга тик қарайди, дейишади. Лекин у Қуёшга ҳасад билан эмас, мардлик билан, ҳавас билан тикилади.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

• ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ХИЗМАТИДА САМОЛЁТДА — ПАЛОВ

БУГУН

шаҳримиз аэропортидан мамлакатимизнинг турли бурчаларига — Москва, Ленинград, Киев, Ереван, Сочи, Симферополь, Қозон, Уфа ва хоржий мамлакатлардан Дехли, Кобул, Ханой маршрутлари бўйлаб учадиган 37 рейсдаги йўловчиларга самолётда ўзбек миллий таомларидан қабоб ва палов берилди. Бу таомларни Ғайрат Ғасмонов бошлиқ бригада аъзолари Янги йил учун тайёрлашди.

К. Нестирбов бошлиқ қандолатчилик бригадаси ранг-баранг ширин-шанар ширинликлар билан йўловчиларни хушнуд этишади. Овқатларини самолёт бортига тайёрлаш чех хизматчилари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили янги йилнинг 23 ноябрда беларилди. Йўловчиларга 1 миллион 900 минг сўмлик хизмат кўрсатиши ва йил охирига қадар яна 200 минг сўмлик хизмат кўрсатишига аҳд қилинган эди. Улар бугун берган ваъдаларининг устидан чиқиди. Цехнинг 50 га яқин хизматчилари Янги йил арафасида 3,5 минг йўловчига ўзларининг иссиқ овқатлари ва ширин-шанар ширинликларини билан хизмат кўрсатишади.

• БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

ҚАНЧА ИСМ БОР?

Кисси Сайто бугунги Японияда негиз шаксий исм амалда эканлигини аниқлашдан иборат мураккаб масалани ҳал этишга қарор қилди. Мамлакатнинг Хоккайдода то Окнавагача бўлган бутун территориясидан 200 та телефон сўрашчиларини йилда на маълум тартиб билан, ураган ҳар бир йил исми кўчириб олди. Унинг исми сиз меҳнатини тугаллагандан сўнг К. Сайто 139 минг 163 исми санаб чиқди. Очнғини айтганда, бу оз эмас. Бироқ Сайто таҳминича, японларнинг исми бундан ҳам кўп, ҳеч бўлмаганда 150 минг. Ҳолбуки уларнинг барчаси телефон дугатларида акс этимаган.

• САЙЕРАМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ НУҚТАСИДА ЭНГ СОВУҚ КЎРСАТКИЧ

Энг олис ва табиатан мураккаб шаронларда олиб борувчи илмий марказ «Восток» — антарктик илмий станцияси ўзлаштириш ишлари қаҳрамонлик саҳифаси билан боғлиқ. Утган қиш совет тадқиқотчилари учун фанқулода оғир синов бўлди.

Мана, Антарктида бу районда қутилмаган янги «совга» инп-ометри эди. Бу даврга қадар Ер юзиди

• Дам олиш соатида

Криптограмма



Азиз оқишомхон! Мазкур криптограммани куйидаги «очқич» сўзлар ёрдамида ҳал этсангиз шояр, Ҳамма муқофоти» лауреати Абдулла Ориповнинг Янги йилни маҳд этган шеъриндан икки мисра ўқийсиз.

I. Қаҳрамон пойтахт шаҳар — 10, 5, 9, 12, 14, 6.

II. Тошкентта энг яқин шаҳарлардан бири — 18, 1, 8, 2, 13, 4, 3.

III. Кичинтойларнинг татлим-тарбия муассасаси — 11, 5, 16, 17, 6.

IV. Кремль, бежалган байрам ширинлиги — 15, 5, 7, 15.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Битта олиб «арра» қилдик, менга шуниси тегди.

Фокусчи: — Мана жоним, арчадек ясагин олдим.

Қорқиз: — Менга иссиқ пияма беринг, Сотувчи: — Эй, ёзда қаерда эдингиз қизим...

«Жаранг-журунг, Қизил бурун».

Эски йил: — Бир оз сабр қилиб тур, мана бу арзагарга жавоб эзиб олай.

А. Холқов расмлари.

Ғийбатуппо арча ясади.

М. Унгаров расми.

